

Набий алайҳиссаломга қасидалар битган Аҳмад Шавқий



11:00 / 13.01.2022 1722

Шоирлар амири Аҳмад Шавқий оғир беморликка учради. Ҳаётининг охири кунларида ходими унинг зиёратига фазилатли шайх Муҳаммад Аҳмадий Завоҳирий ташриф буюрганини айтди. Муҳаммад Завоҳирий Азҳар шайхи эди. Шавқий ўрнидан туриб Азҳар шайхининг истиқболига чиқди. Уни марҳабо деб кутиб олди. Бироз суҳбатлашгандан сўнг Шавқий шайхдан зиёрати сабабини сўради. Шунда Азҳар шайхи деди:

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрлари билан келдим. Ўтган кеча Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг олдимга келиб сен билан учрашимни, у зот сени кутиб турганларини айтишимни амр қилдилар!».

Бир неча кундан сўнг Аҳмад Шавқий вафот этди. Шайх Мутаваллий Шаъровий роҳимаҳуллоҳ қачон уни эсласа: «Шавқий роҳимаҳуллоҳ деманглар, Шавқий розияллоҳу анҳу денглар», дер эди.

Аҳмад Шавқий роҳимаҳуллоҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мадҳ қилиб ажойиб қасидалар битган.

Абдулқодир Полвонов